

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 929-ҳадис

929 - وَعَنْ الْفَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ قَالَ: قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: وَأَرْسَاهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بَلْ أَنَا وَأَرْسَاهُ»، وَكَرِرَ الْحَدِيثَ. رَوَاهُ البُخَارِيُّ [5666].

929. Қосим ибн Мұхаммаддан ривоят қилинади. Оиша розияллоҳу анҳо: «Вой бошим», дегандилар, (Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога ёқтирмайдиган бир сүз айтдилар. Оиша розияллоҳу анҳо эса бу айттан сүзларига эътиroz билдирганларидан кейин) Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: ««Йўқ, «Вой бошим», (дейдиган) мен», деб, ҳадиснинг қолганини зикр қилдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагича бўлган:

«Қосим ибн Мұхаммад айтади:

«(Бир куни) Оиша розияллоҳу анҳо: «Вой бошим!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бу (яъни ўлиминг) тириклигимда бўлса, сен учун мағфират сўрайман, ҳаққингга дуо қиласман», дедилар. Оиша: «Во ҳасрато! Аллоҳга қасам, менинг ўлимимни истаяпсизми дейман?! Агар шундай бўлса, ўша куниёқ завжаларингиздан бири билан бирга бўласиз», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Йўқ, «Вой бошим», (дейдиган) мен. Одамлар гапирмасин ёки орзумандалар орзу қилиб юрмасин деб, Абу Бакр ва унинг ўғлига одам юбориб, (халифаликка уни) тайинлаб қўяймикан ҳам дедим [ёки ирода қилдим], лекин Аллоҳ (ундан бошқанинг халифа бўлишига) рози бўлмайди, мўминлар ҳам (ундан бошқани) рад қиласди [ёки Аллоҳ (ундан бошқанинг халифа бўлишини) рад қиласди, мўминлар ҳам (бошқага) рози бўлишмайди], дедим». (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам завжаларига эътиборли бўлганлари, уларнинг кўнглига қараганлари кўриниб турибди. Оиша розияллоҳу анҳонинг «Вой бошим!» деган гапига ҳазил ёки танбеҳ маъносида «Агар шундай бўлса, сен учун мағфират сўрайман, ҳаққингга дуо қиласман. Шундай экан, нега ғам чекасан?» дейдилар. Бироқ Оиша розияллоҳу анҳонинг бу гапдан ранжиганини

кўриб, эркалаган маънода «Сен учун мен оҳ тортай» ёки «Сен эмас, мен олдин вафот қиласман» деб, унинг кўнглини кўтарганлар. Кейинги гапда «Абу Бакри ўзим халифа этиб тайинлаб қўяй, дедим у, Аллоҳнинг Ўзи ҳам шуни ирода қилишини, мўминлар ҳам уни танлашини ўйлаб, ишни уларга ҳавола қилиб қолдирдим», демоқчи бўлганлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

